



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ОКШОМИ

№ 251 (4946)  
7 НОЯБРЬ 1982 й.  
ЯКШАНБА  
Газета 1966 йил  
1 июлдан чиқа бошлади.  
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

## Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 65 йиллиги!



## УЛУҒ ОКТАБРЬ ЙЎЛИДАН-ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ!

Тошкентда ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намоиши

Афеонавий «Аврора» кемадан жаҳонда биринчи ишчи ва деҳқонлар давлати туғилганлигидан далолат бериб янраган ўқ овози отилгандан бери олтинчи беш йил ўтди. Совет кишилари ҳар йили ана шу тарихий кунни нишонлашар экан, Ватанга чексиз муҳаббатларини, Ленин партияси билан метиндек бирлигини, қардош халқларнинг буюк дўстлигини, В. И. Ленин кўрсатган йўлдан олғимши олга боришга тайёр эканликларини намоиш этишадилар.

Бу йил мамлакатимиз халқлари, Ўзбекистон меҳнаткашлари учун кўпгина диктатга сазовор воқеаларга бой бўлди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежневнинг республикамизда бўлган қувончли байрам кунлари Совет Ўзбекистони солномасида унутилмас саҳифа бўлиб қолади. Ўзбекистон меҳнаткашлари бугунги кунда Леонид Ильичнинг Ўзбекистон ССРга Ленин орденни топириштиришга бағишланган тантанали мажлисида сўзлаган еркин, ленинча доно ва сафарбар этуви нутқи таассуроти билан яшамқдалар. Ана шу нутқда баён этилган ҳулоса ва тавсиялар Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари учун келгуси истиқболга мўлжалланган жанговар ҳаракат программаси бўлиб қолди.

Мамлакат Озқ-овқат программасини амалга оширишда КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорлари республика меҳнаткашларини янги зафарларга ихломландирди. Меҳнат коллективларида Пленум қарорларини амалга ошириш учун ушбу кўламдаги ишлар авж олиб кетди.

Партия ва ҳукуматимизнинг совет кишиларининг фаровонлиги тўғрисидаги чексиз ғамхўрлигига амалий иш билан янаво бериб, тошкентликлар Улуғ Октябрнинг 65 йиллигини аjoyиб зафарлар билан, юксак меҳнат ва

ижтимоий-сиёсий активлик билан нишонладилар. Тошкент саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини ҳаётга тadbiq этиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, 26 октябрда махсулот реализация қилиш ва буюмларнинг асосий турларини ишлаб чиқариш бўйича ўн ойлик план муддатидан илгари бажаришнинг ҳақиқатда рапорт бердилар. В. П. Чкалов номи авиация, «Средазкабель», тикувчилик ишлаб чиқариш бирикмалари, трактор, «Ташсельмаш», электротехника заводлари, Тошкентнинг бошқа корхона ва ташкилотларининг коллективлари «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» ватанпарварлик ҳаракатида юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Ўзбекистон пойтахтининг улуғ Ленин номи билан аталувчи бош майдон байрам лубосида, Денгиз тўқинидек чайқалаётган минглаб кишилар узра КПСС Марказий Комитетининг «Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! 1982 йил планини, ўн биринчи беш йиллик топириқларини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақа байроғини банд қилингиз!» Кўп миллатли улуғ Ватанимиз янада зарбардаст, бадавлат ва кўркам бўлаверсин! алангали чақирқиқлари янграйди.

Пойтахтимиз бош майдони колонналарини кўркам байрам беазаклари билан қарши олади. Парадлар хиебониди — пролетариатнинг буюк дохўйлари — Маркс, Энгельс, Лениннинг портретлари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва аъзолигига кандидатларнинг портретлари турибди.

...Эрталаб соат 10. Ҳукумат минбарига КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон ССР

Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев, республиканинг бошқа партия ва ҳукумат раҳбарлари кўтариладилар.

Аниқ саф тортган ҳарбий парад қатнашчилари текис турибди. Майдонга усти оқиқ машинада Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник Ю. П. Максимов кириб келади. У парад қўмондони генерал-майор Г. П. Стрельцовдан рапорт қабул қилиб, майдон узра саф тортган қўшинлар олдида ўтади, уларни байрам билан табриқлайди. Табриқча жавобан кудратли «Ура!» садолари янграйди.

Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони минбарга кўтарилиб, нутқи сўзлайди. У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министри ва Узоқ вақт соддатлар, сержантлар ва прапорщикларнинг офицерлар ва генералларини, Тошкентнинг барча меҳнаткашларини умумхалқ байрам — Улуғ Октябр Социалистик революциясининг 65 йиллиги билан табриқлайди. Ю. П. Максимов ўз нутқининг охирида Октябрнинг йиллиги, қаҳрамон совет халқи ва унинг шавкатли Куроли Кучлари шарафига, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси шарафига муборакбод сўзларини айтди.

Майдон узра уч қарра «Ура!» садолари янграйди. СССР ва Ўзбекистон ССР давлат гимнларининг, байрам салютининг садолари янграйди.

Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг тантанали паради бошланади. Анъанана кўра паради ёш бағбанчилар бошлад берадилар. Майдондан офицерлар қолновани ўтиб бормоқда. Унинг кетидан шаддам қадам ташлаб бўлажак офицерлар — мамлакатимиздаги энг йирик

ўқув муассасаларидан бири — СССР Куроли Кучлари миғлаб аъло даражада тайёрланган командирларни етказиб берган В. И. Ленин номидаги Тошкент олий умумқўшин командирлари билим юртининг тарбияланувчилари ўтадилар. Ҳарбий овкестрнинг жарангдор садолари остида майдонга икки Марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, бронетанк қўшинлари маршали П. С. Рибалко номидаги Тошкент олий танки командирлар билим юрти офицерлари ва курсантларининг батаёнлар кириб келади. Уларнинг кетидан «осмон пёдалари» — авиандесантчилар ўтимоқда. Минбар олдида кудратли жанговар техника ўтади. Ҳарбий бўлималарининг тантанали ўтишини лима ҳарбий оркестр ниҳоясига етказди.

Парад тугади. У Куроли Кучларимизнинг юксак жанговар тайёрларини, уларнинг бундан кейин ҳам совет кишиларининг тинч меҳнатини мустаҳкам муҳофаза қилишга қатъиян тайёр эканликларини намоиш этди.

Меҳнаткашларнинг байрам намоиши бошланади. Колоннанинг бошида ишлаб чиқариш илторлари, социалистик мусобақа голиблари, меҳнат новаторлари ва ватанпарварлик ҳаракатларининг ташаббускорлари бор. Тошкент байроғи билан ёнма-ён серкўбей ўлкамиз пойтахтининг меҳнаткашлари фидокорона меҳнатлари эвазига қўлга киритган эсдалик байроқлари ҳилпирайди. Майдонни ёш физкультурчилар, ўқувчилар тўлдиривади.

Минбар олдида В. И. Ленин, Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва аъзолигига кандидатларнинг портретлари ўрнатилган машиналар ўтиб боради.

Пигма оркестр садолари остида майдонга пойтахт районлари меҳнаткашларининг колонналари кириб келади. Улар ўзининг баранали меҳнати билан ўн биринчи беш йиллигининг иккинчи йили

планларини муддатидан илгари бажариш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун курашда намуна бўлаётган зарбдорлардир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг Мурожаати пойтахтининг миғлаб меҳнаткашлари қалбига акс-садо уйғотди. Улар қалб даъвати билан деҳқонларга етиштирилган мўл ҳосилнинг сўнги чаногича йиғиб-тегири олиш учун кўмаклашиш мақсадида қолхоз ва совхозларга жўнаб кетдилар.

Ҳозир миғлаб меҳнат зарбдорлари ишлаб чиқариш илторлари намоишчилар колонналарида коллективларининг фахри сифатида бормоқдалар. Улар орасида КПСС XXVI съезди делегати, Ленин ва Меҳнат Қизил Байроғи орденларининг кавалери Муҳаммадқон Туропов ҳам бор.

«СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирикмасининг 7-механика-йиғувчи соловчисининг номига ҳар бир киши яхши билди. У ўн биринчи беш йиллик планини 3,5 йилда бажариш бўйича социалистик мусобақанинг ташаббускори бўлди. Тошкент трактор заводи меҳнатчиларининг мохир қўллари билан яратилган миғлаб тракторлар ҳозирги кунларда Ўзбекистоннинг далаларида ишламоқда. Трактор принциплари колонналари она Ерининг қимматли бойлиги «оқ олтин»ни қабул пунктларига пешма-пеш ташимқода. Буларнинг ҳаммасида М. Туропов, унинг юзлаб ҳамкасбларининг баранали меҳнатлари самараси бор.

Парадлар хиебонига кириб келаётган Октябр революциясининг номидаги тепловоз ремонт заводининг ишчи гвардияси Ленин районининг фахридир. Айнан мана шу корхонада бундан 65 йил муқаддам большевиклар маҳаллий буржуазия ва феодалларга қарши қу-

ролли қўзғолон бошладилар. Туркистонда биринчи бўлиб революциянинг қизил байроғини кўтардилар. Ҳозир ветеран завод коллективни сафлариди Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва ҳимоя қилишда қатнашганлар ҳам, бугунги кунда беш йиллик топириқларини муддатидан илгари бажариш учун фидокорона курашайётганлар ҳам бор. Еркин миллий кийимларда, қарий-сўриқ ва рубобнинг жарангдор садолари остида Октябр районининг завод, фабрикалари, қурилишчи меҳнатчилари ўтиб бормоқдалар. Ишлаб чиқаришнинг қўлпаб коллективлари, миғлаб меҳнатчилари «Беш йиллик — муддатидан илгари», «1982 йил плани — СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига» широрари остида меҳнат қилмоқдалар, бунда меҳнат унумдорлигини ўстириш учун янгидан-янги резервларини ишламоқдалар.

Киров районининг меҳнаткашлари билан биргаликда 11-«Висострой» трестининг 17-қурилиш бошқармаси комплексе бригадасининг бошлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамид Қорабоев майдондан ўтиб бормоқда. Бригада шахримиз фахри бўлиб қолган қўлпаб ишпоолларини қуришда қатнашди. Унинг ҳар бир аъзоси коллектив шоншавкатини юксак кўтармоқда, умумий ишга кўпроқ ҳисса қўлишга интилоқда, бунда ўз бригадирларидан намуна олмақда.

Ҳозир бригада аъзолари «Гламострой»нинг 220-қурилиш бошқармасидаги ҳамкасблари билан биргаликда Тошкентда қурилаётган «Дўстлик» комплексини бунёд этишда жонбозлик кўрсатишмоқда. Шу йилнинг тўққиз ой ичида бу объектда 3 миллион 296 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиди.

Ҳамза райони ишлаб чиқариш борасида пойтахтда энг йирик ва салмоқли районлардан ҳисобланади. Мана ҳозир байрам колоннада-

рида машҳур меҳнат коллективлари, «зангори кема» ва ҳаво немаларининг илторлари ўтиб боришпти. Пойтахтининг Чилонзор райони меҳнаткашлари колоннасида ҳам байрам қайфияти, Чилонзорликлар Улуғ Октябр 65 йиллигини аjoyиб ютуқлар билан қутиб олмақдалар.

«Компрессор», «Геологоразведка», ўйинчоқлар, чини заводларининг юзлаб меҳнатчилари Собир Раҳимов райони байрам колонналари сафида бормоқдалар. В. И. Ленин номидаги ТошДу колоннаси чиройли безатилган. Университет студентлари аъло ўқимқдалар ва аъло ишламоқдалар. Шу кунларда миғлаб студентлар республика пахтазорлари зарбдорона меҳнат қилмоқдалар, 6 миллион тонналик пахта хирмонига ўз муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Пойтахтининг энг ёш райони — Акмал Икромов райони колонналари майдонга кириб келмоқда. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларини районнинг 2-автокомбинат, «Средзавтоматика» заводи ва миллий чолгу асбоблари фабрикаси сингари корхоналари муваффақиятли адо этимоқдалар.

Минбар ёнидан яна бир йирик саноат райони — Куйбисhev райони меҳнаткашлари вакиллари ўтиб бормоқдалар. Намойишчилар колонналарида ишчилар билан бир сафда янги техниканинг инженер-конструкторлари ҳам бормоқдалар. Бу техникалар меҳнат унумдорлигини кескин оширмоқда, юқори сифатли махсулот тайёрлаш имконини бормоқда. Ушлаб илтий-тадиқот институтлари, конструкторлик бюраларида илтий-техника тараққийнинг пешқадамлари ишлашяпти.

Биз Ўзбекистоннинг улкан хирмони учун курашнинг олдинги сафида бораётган меҳнаткорларнинг номларини фахр билан тил-

га оламиз. Конструкторларнинг доимий иланишлари тўғрисида яратилган, ишчиларнинг мохир қўллари билан бунёд этилган «зангори кема»ларда меҳнаткорлар юзлаб тонна «оқ олтин» термоқдалар.

Намойишчиларнинг колонналарида пахтани қайта ишлаш поток линияси бўлимининг етакчи конструктори Ренат Абдулманов бормоқда. Пахта тозалаш заводларида, тайёрлов пунктларида бу бўлимда яратилган поток линиялар муваффақиятли ишлашяпти.

Колонналардан бирини Р. Абдулманов билан бирга пахта тозалаш дастгоҳлари бўйича давлат махсус конструкторини бюросининг яна бир етакчи конструктори Анатолий Петрович Майоров бормоқда. У ишлаётган бўлимнинг коллективни пахтани қуритиш агрегатларини яратиш ва тақомиллаштириш билан машғул.

Фрунзе, Сергели районларининг колонналарида Тошкент тўқимачилик комбинати, «Таштестильмаш», охиона ва бошқа мебелар заводлари, «Октябр 50 йиллиги» номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирикмаси, Сергели авиакорхонаси ва бошқа корхоналарининг меҳнатчилари бормоқдалар.

Ўзбекистон пойтахтининг бош майдонидидаги меҳнаткашлар намоиши қизил байроқлар тўқинида шодана байрамга айланиб кетди. Намойишчиларнинг чексиз колонналари узра КПСС Марказий Комитетининг янги меҳнат зафарлари чордоғи Чақириқларидаги қордоғи сузлар янграйди: «Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! 1982 йил планини, XI беш йиллик топириқларини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақа байроғини банд қилингиз!»

А. ТЮРИКОВ.



СУРАТДА: намоишчиларнинг байрам колонналарида ва ҳарбий парад қатнашчилари.

## Ю К С А К МУКОФОТ МУБОРАК!

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорига биноан СССР халқ артисти Бернара Раҳимовна Қориева Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театридаги «Анна Каренина», «Нотаниш аёл», «Заҳарли ҳаёт», «Элегия» балетларида ижро этган роллари учун 1982 йилги СССР Давлат мукофоти берилди.

Мухбиримизнинг Б. Қориева ҳақидаги очеркни 3-саҳифада ўқийсиз.



# ОКТАБРИ ШАРАФЛАЭТГАНЛАР ИЛҲОМБАХШ КУЧ

Ер кўрасида инсоният тарихида биринчи социалистик давлат ташкил топганига 65 йил бўлди. Бу тарихан қисқа давр, аммо маъмури асрларга тенг! Ана шу давр ичиде Совет Иттифоқи жаҳонда энг кудратли давлат бўлиб қолди. Улуг Октябр Ватани — СССРнинг куч-қудратини йил сайин мустақамланмоқда. Улуг Октябр 65 йиллиги байрами яна бир катта тарихий сана — СССРнинг ташкил тоганига

60 йил тўлаётган муҳим тарихий сана арафасида нишонланган. Бу инқилаб воқеа биринчи билан узвий боғлиқдир. «Игирмаичи аср ўзидан ўтган ҳар бир йилдаги ҳар бир кура кўроқ ўзгарди ясади. Бошқа бирон мамлакат бу ўзгаришларга Улуг Октябр Ватани, социализм галаба қилган биринчи мамлакат — Совет Социалистик Республикаси Иттифоқида салмоқлироқ ҳисса қўшгани йўқ», — деган

эди Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездида қилган Ҳисобот доклады. Бутун совет халқи қатори корхонами коллективи ҳам партиянинг XXVI съезди белгилаб берган улан вазибаларни амалга ошириш учун курашмоқда. Пешқадамлар ватанпарварлик намуналарини кўрсатиб, зарбдорона меҳнат қилмоқдалар. Бу эса ўзидан маълумки, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб, сифатли маҳсулот етказиб беришга таъсир кўрсатмоқда.

Улуг Октябр кўшидан баҳраманд бўлаётган бизнинг Тошкент тейловоз ремоти заводимиз Эрта Осиёда бизнинг таъсир қилиши 17,1 процент, тейловоз гилдирақлари 26,6 процент кўлайди. Шунингдек тейловозларнинг ремоти қилиш ишлари эса ўтган йилда қараганда 11 процентга ошди.

Бунда цех ва бўлималарнинг ишлаб чиқариш новаторлари ҳиссалари катта бўлган. Ана шундай намунали ишлаб чиқариш илгорларидан — якорь цехининг бошлиғи А. Ткаленко, шу цех партия ташкилотининг секретари А. Божанов, элек-машина цехидан коммунист Р. Яхин, Ч. Черединова, чўян куов цехидан М. Ивашутин, А. Юсупов ва бошқаларини айтиб ўтиш ўринлидир. Улар шу кунларда ўз имзалари оширилган социалистик мажбуриятлар олиб ишламоқдалар.

Хар байрамни меҳнатда катта зафарлар билан кўтиб олиш анъанаса айланб қолган. Шаҳримизнинг барча ишлаб чиқариш корхоналаридаги е к бизнинг заводимизда ҳам «СССРнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта!» шiori остида социалистик мусобақа авж олган. Бу ташаббусни бизда

биринчи бўлиб электр-машина цехи коллективи бошлаб берган эди. Ватанпарварлик ташаббусига бошқа цехлар коллективлари ҳам қўшилди. Ана шундай коллективлардан якорь, асбосозлик, электр-аппарат, чўян куов, пулат куов цехларини айтиб ўтиш мумкин.

Шонли меҳнат ва революцион аъналарини давом эттириб келатган заводимиз ўзининг коллективи бутун диққат-эътиборини КПСС XXVI съезди белгилаб берган вазибаларни тўла бажаришдек муҳим ишга, ўн биринчи беш йиллик топириқларидо муваффақиятли адо этишга қаратмоқда.

## И. НОРМАТОВ, Меҳнат Қизил Байроқ орденли Октябр революцияси номидоги Тошкент тейловоз ремоти заводи партия комитети секретарининг ўринбосари.

## Биз — ватанпарвар - интернационалистларимиз ИШЧИ ҲАМКОРЛИГИ

● Тошкентдаги «Малика» ва Львовдаги «Луч» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмалари коллективларининг дўстона алоқалари кучаймоқда.  
● Меҳнатдаги бегараз ёрдам.

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси касабасоюз комитетида ёш ишчи Нинель Ивановна Иондан касб маҳоратини ўрганиши маслаҳат бериши.

Ахир, бу аёл Львовдаги «Луч» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси-ку. Эҳтимол, Украинага делегация тажриба алмашгани бораётгандир? Маълум бўлишича, Нинель Ивановна Тошкентдаги корхонада бир неча ой ишлаб кетгани, янги тўқув техникасини ўзлаштиришда ёрдам бергани, тажрибаларини ўргатгани ўн келибди.

Нинель Ивановна Тошкент трикотажчилари «Луч» бирлашмасида ишлаб чиқариш маданияти нақадар юқори эканлигини, бирлашма раҳбарлари трикотажчиларини турмуши ва дам олиши ҳақида қандай гамхурлик қилишини кўришди.

Нинлар ўтди. Коллективлар ўз тажрибаларини бир-бирларига ўргатиб боришди. «Луч» ва «Малика» касабасоюз ташкилотлари ўз коллективларининг муваффақиятларини ҳақида, тўқувчилар, техникувчиларнинг меҳнат ютуқларини тўғрисида бир-бирларини огоҳ қилиб борадилар.

Улар мусобақага якув ясаганида учрашиб туришди. Ионнинг собиқ шогирди — Шоира Ҳолмухамедова донгдор тўқувчи бўлди. Ўтган беш йилликда икки беш йиллик топириқини бажариш ташаббуси билан чиқиб ўз вазидаги вафо қилди. Бу йил Шоира Ленин ордени билан мукофотланди.

«Малика» йилдан йилга трикотаж маҳсулотини ишлаб чиқаришни кўпайтириб борди. Бу юмлар ишлаб чиқариш ияда кўпайтириш манфаатлари корхона қувватларини ошириши, янги, янада уюмлаи ускуналар ўрнатилиши тақозо этарди. Ўтган йили корхонада реконструкция ва у билан боғлиқ янги тикувчилик, тўқувчилик цехи курилиши бошлаб юборилди. Бу цехда янги, юксак уюмлаи тўқув машиналари ўрнатилди. Шунда янги техникага хизмат қилиш учун тажрибали кадрлар, жумладан, тўқувчилар етишмаслиги маълум бўлди. Украинлик дўстларга мурожаат қилишга қарор қилинди. Шунда

Тошкентликлар делегациясини Львов трикотажчилари илтиқ кўти олишди. Ёш тўқувчи Шоира Ҳолмухамедовани Ленин ордени кавалери Нинель Ивановна Ион шогирдиликка олди. Киз Ион тўқув машинасини қандай қилиб созилашини, ишда, айниқса узилган ипларни улашда қўли қандай қақдон ҳаракат қилишини диққат билан кузатиб турди. У эстоз ўз касбининг гоит зўр устаси эканлигини дарҳол тушуниди. Эндиликда киз унинг иш усулини қандай бўлмасини ўрганиб олиши лозим эди. Ўрганиб олармиканман? — деб ўйлади Шоира, ўз эстозидан ўзига тушунарсиз бўлган, қизиқтир-

Газетхоналарга шуни етказингиз, биз тошкентлик трикотажчиларини Нинель Ивановна Ион ва Нина Михайловна Держило бегараз ёрдамлари учун чин дилдан ташаккур билдираимиз. Улар бизнинг ҳузури мишга ҳамма нарсани йиғиштириб қўйиб келдилар, оилалари Львовда қолди.

Бугунги кунда байрам намоишида «Малика» трикотаж бирлашмаси коллективи билан бир қаторда, илгорлар коллонасида Львов корхонаси ишчилари, кўе хонажон Ватанимиз халқларнинг қардошлиги ва дўстлигини намоиши этгандек ўтиб борадилар.



Тошкент уйсозлик комбинатига қарашли 2-қурилиш бошқармаси коллективи Юнусобод массивида кўплаб турар жой биноларини бунёд этишда актив қатнашмоқда. СУРАТДА: илгор қурувчилардан — электр пайвандчи О. Усмонов, монтажчи К. Маманонов, бригадир З. Клезов, бетончилар А. Сироткин, У. Усмоновларни кўриб турибсиз.



Тошкент тўқимачилик комбинатининг 2-тўқув фабрикаси тўқувчилари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига ўзаро социалистик мусобақани тобора кучайтирмоқдалар. Пешқадам тўқувчиларнинг ҳар бири улаб тўқув станокларини моҳирона бошқаришляпти. СУРАТДА: пешқадам тўқувчилардан (юноридан-пастрга) Г. Сафина ва Л. Лоскутова.



Тошкент тўқимачилик комбинатининг 2-тўқув фабрикаси тўқувчилари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига ўзаро социалистик мусобақани тобора кучайтирмоқдалар. Пешқадам тўқувчиларнинг ҳар бири улаб тўқув станокларини моҳирона бошқаришляпти. СУРАТДА: пешқадам тўқувчилардан (юноридан-пастрга) Г. Сафина ва Л. Лоскутова.

## Қардошлик қонуни билан МОСКВА — ТОШКЕНТГА

### «Дўстлик» комплекси

● БАЙРАМ АРМУҒОНИ ● УРТА ОСИЕДА ЯТОНА ● УЧТАСИ — СССР 60 ЙИЛЛИГИГА

КПСС XXVI съезди қарорларида совет кишиларининг уй-жой шартини яхшилаш, уй-жойларнинг шинамлигини уларнинг ободчилилик даражасини ошириш алоҳида таъкидланган. Ун биринчи беш йилликда жами саҳдон 530—540 миллион квадрат метр бўлган уй-жой биноларини фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Чиндан ҳам партия ва ҳукуматимиз кейинги йилларда турар жой курилишига эътиборини кучайтириб юборди. Шаҳримизда ҳам кенг қўлама турар жой курилиши амалга оширилмоқда. Шаҳарнинг турли жойларида энг замонавий архитектура қурилишига ва барча кўраликларга эга бўлган кўп қаватли, экспериментал турар жой бинолари бунёд этиляпти. Шу билан бирга дўстлик қонунига биноан қардошлар ёрдами билан ҳам янги турар жой комплекслари, кварталлар қад ростламоқда. Жумладан Пушкин қасидаи бунёд этилаётган «Дўстлик» комплекси фикримизни тўла ибоботлади. Бир неча йил муқаддам бу ерда катта қурилиш ишлари бошлаб юборилган эди. Собиқ Асака майдонини ўрнида ажойиб

муқташам бинолар пайдо бўлди. Мана уларнинг сафига яна бир кўп қаватли турар жой комплекси қўшилмоқда.

Комплекс тошкентлик ва москвалик қурувчиларнинг гайрат-шижоати билан кундан-кунга юксалишга буй бўлган. Объект Москва ва Тошкент шаҳар партия комитетлари ва совет органларининг доимий диққат марказида турибди. Эндиликда бу ерда ўзбек халқининг отагини шоири Ҳамид Олимжон номли майдон ташкил этилмоқда. «Дўстлик» комплекси эса ярим айлана шаклида бўлиб ана шу майдонни қуршиб туради. Бу турта 20 қаватли бино кварталари замонавий инжозлар билан безатилади.


Бугунги кунда объектда меҳнат қилаётган москвалик қурувчилар ҳам Тошкентдаги «Дўстлик» комплексида ишлайди. Улар бу шонли байрамни меҳнатда муносиб совғалар билан кўтиб оляптилар. Улар курилиш муқаддими диққартиришга, айрим ишларни муқаддими илгартиришга муваффақ бўлишди. Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени «Москвистрој» трестининг 220-қурилиш бошқармаси

коллективи гайрат-шижоат билан ишлаб, СССР Конституциясини қўнига олган социалистик мажбуриятини ҳам муқаддатдан илгари бажарган эди. Улар Октябр байрамини объектда монтаж ишларини бутунлай тугаллаш билан қарши олдирди. Ҳозир объектда пардозлаш ишлари кенг қўлама олиб бориляпти.

Бундан ташқари комплекс тарбияга кирувчи энг замонавий болалар богчаси муқаддатдан илгари фойдаланишга топширилди. Ҳозир тошкентлик 320 кичкинтой бу экин-иб богчага қатнамоқда. Шунингдек, бу ерда Урта Осиеда ўнги Янрик «Китоблар дўниси» магазини курилиши бошлаб юборилди.

Объектда иш қизгин. Москвалик ва тошкентлик қурувчилар эндиликда бор куч ва имкониятларини ишга солишиб, СССР ташкил этилган куннинг 60 йиллигини муносиб кўтиб олишга бел боғлаганлар. Улар бу шонли санага қадар урта корпусда курилиш ишларини тугаллаш, 2-болалар богчасини бунёд этиш, инженерлик-коммуникация ишларини ва китоб магазини монтажини инҳоясига етказиш мажбуриятларини ўз зиммаларига олганлар.

## Шаҳримизнинг диққатга сазовор жойларидан бири — Халқлар дўстлиги майдонинда қад кўтарган В. И. Ленин номли СССР Халқлари дўстлиги саройи.



Пойтахтнинг бош майдонидоги фонтан. В. Таран фотолари.

## ТАРИХ СОЛНОМАСИДАН ТОШКЕНТ, 1917 ЙИЛ...

Шу улуг айёмда, энг бахтиёр кунларимизда Тошкент тарихига назар ташлаймиз, бахтимиз учун курашган оташин революционерларни оламиз. Бу ҳамма анъана бўлиб қолган. Улуг Октябр кўшии Тошкентда ҳам баққилган ўша кунларни, кўпгина тарихий воқеаларни оламиз.

1917 йил. Тошкент большевиклари сентябрь кунларида камбагаллар ўртасида катта ишлар олиб боришган эди. Уша пайтда янги шаҳар билан эски шаҳар меҳнаткўшларининг революцион ташкилотлари ишнинг узвий боғлаб олиб бориш мақсадида махсус группа тузилди. Унинг составига Н. В. Шумилов, Г. М. Цвиллинг, А. Ф. Сольяни, Н. Хўжаев, М. Мирҳўжаев ва бошқалар кирди.

Эски шаҳар меҳнаткўшларини янги шаҳар ишчиларининг революцион чиқишларини қўллаб-қувватлаш шартини сентябрь ўртага қилиб келиб, Шайхонтоҳурда эски шаҳар аҳолиси билан атрофидоги кишлоқлар аҳолисининг катта миқтиги бўлиб ўтди. Революцион комитет ана шу кишлоқларга ҳам янги шаҳар ишчиларини революцион чиқишлари ҳақида гапириб бериш учун делегация юборган эди.

Уларга катта ишонч билдирилди. Тошкент большевиклари ишчи ва солдатларни Советлар ҳокимияти учун курашга даъват этдилар. Ана шу пайтда марказдан жазо отряди келди. Большевиклар қачирин билан Тошкентда умумий иш ташлаб бошланди.

21 сентябрь кунини шаҳарда ҳарбий ҳолат эълон қилинган эди. Бир қатор контрреволюцион хатти-ҳаракатлар рўй берди — «Наша газета» ёниди, митинг ва намоишлар тақиқланди. 24 сентябрда генерал Коровиченко бошчилигидаги жазо отряди шаҳар яқинидаги Келес станциясига келиб тўхтаганига қарамай, халқ оммаси, ҳатто жазо отрядининг кўпгина солдатлари қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Шунинг ахирги кунлари революция тарихида катта давр бўлиб қолди.

ортидан маҳаллий миллат меҳнаткўшлари ҳам контрреволюцияга қарши курашга отландилар. Н. В. Шумилов, Г. М. Цвиллинг, А. Божанов, Ж. Камолов, А. Абдусаматов ва бошқалар раҳбарлиги остида улар Советлар ҳокимияти учун актив курашдилар. Болшевиклар ўз тевараклиги меҳнаткўш оммани меҳнатга оммани контрреволюцияга қарши кураш кескинлашти. Тошкент большевиклари қуролли қўзғололи таярғарлик қилиш ва уни ўтказишда катта пролагандистик иш олиб борадилар.

Контрреволюцион ерларга қарши Тошкент гарнизонининг барча полклари, роталари ва команда комитетлари, солдатлари қатъий кураш олиб борадилар. Солдатларнинг актив ҳаракати тўғрисида генерал Коровиченко Тошкентдан запасадаги 1-Сибирь полкини ҳам, 2-Сибирь полкини олиб чиқиб кетолмади. Бу эса қуролли қўзғололи таярғарлик ва ўтказишда катта аҳамиятга эга бўлди. Тошкент Совети ўз вакиллари — В. Н. Финкельштейн, А. Н. Колесников ва бошқаларни Қўзон, Самарқанд, Жиззах, Қўшқа ва Туркистоннинг бошқа шаҳарларига қуролли қўзғололини ташкил этиш учун юборди.

А. Қосимхўжаев, Ж. Камолов, С. Тошқўжаев, Н. Рустамбеков, Х. Ўзбосаров ва бошқалар эса Шайхонтоҳур ва Урта ўртасида баринадалар ташкил этишда актив қатнашдилар. 28 октябр кунини эрталаб Тошкент ишчилари ва солдатлари большевиклар раҳбарлиги остида қуролли қўзғололини бошлашди. Биринчи бўлиб В. Ялини, А. Першин бошчилигидаги те-



